



Жамият

ҲОФИЗНИНГ СЎНГГИ ВИДОСИ



4



6

“МЕҲР БЕРИБ,
МЕҲР КЎРМАДИМ”



8

ЁЛҒИЗ
СУЯНЧИҒИМСИЗ

2015 ЙИЛ «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЛАШ ЙИЛИ»



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси.

Қариси бор уйнинг париси бор



Индекс — 176

“Оила ва жамият” газетаси — мустақиллик тенгдоши, 23 йилки, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз кўнглига маънавият ёғдуларини баҳоли қудрат улашиб келаётган оммабоп нашрлардан бири.

Муҳтарам юртдошлар!

Ойлангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Обуна индекси — 176



ҲИКМАТ

Очиқ чехрали одам — иккиюзламачилиқдек нуқсондан йироқ бўлади...
Очиқ юзидан халойиққа хурсандлик; чучук сўздан эл-юртга хуррамлик...

Алишер НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАР КЎМИТАСИДА

ФАОЛ ВА НАМУНАЛИ

Пойтахтимизда “Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда мазкур жамоат ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, бирлашмаларда фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, Зулфари номидаги Давлат муқофоти совриндорлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини,

хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, билим олиши, ҳаётда ўз ўринини топишига кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини тобора юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ислохотларни аҳолининг барча қатламларига етиб бориши, жойларда жамоатчилик ролини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларда республика Хотин-қизлар кўмитасининг куйи тизими — бошланғич ташкилотлар вакиллари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. “Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танлови эса бу эзгу ишларни юқори босқичга кўтаришга

хизмат қилмоқда. 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.



Бу йил танловнинг туман-шаҳар босқичларида 25 мингга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар босқичида уч мингга яқин бошланғич ташкилотлар иштирок этди ва уларнинг 98 нафари 7 та номинация бўйича республика босқичига тавсия этилди. Кўрик-танловда маҳалла, касб-хунара коллежи ёки академик лицей, умумтаълим мактаби, олий ўқув юрти, тиббиёт, корхона ва мактабгача таълим муассасасида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотларининг жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, оқила қизларни тарбиялаш, хотин-қизларнинг турли ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни асраш борасида амалга ошираётган ишлари атрофлича таҳлил этилди.

— Хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаоллиги ошиб боришида бошланғич ташкилотлар вакилларининг алоҳида хизматлари бор, — дейди Фаргона вилоят хотин-қизлар кўмитаси котибият мудир Сайёра Набиева. — Вилоятимизда 4434 та бошланғич ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Оилаларни мустаҳкамлаш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, қизларимизнинг ҳаётда ўз ўринини топишларига кўмаклашиш борасида олиб бораётган ишларимизда бундай сўянаимиз. Бугунги кунда вилоятимиздаги қай бир маҳаллага, қай бир корхона ёки ташкилотга борманг, аёлларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлиги юксалганига гувоҳ бўласиз. Бу, мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Кўрик-танлов якунига кўра, Навоий вилояти хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни, Наманган вилояти хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари 2-ўринни, Фаргона вилояти бошланғич ташкилотлари 3-ўринни эгаллади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

МАСЪУЛИЯТЛИ СИНОВ

Юртимизда жорий йилнинг 21 декабрида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида энг юксак демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳам сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида мазкур муҳим тадбирнинг ҳолис, демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар жамиятда кечяётган жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан қарамоқда.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Ўйлаймизки, халқимиз ҳаётида ўзига хос кўтаринкилик руҳида кечили кутилаётган бу сайловда йил сайин мамлакатимиз сиёсий майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган барча партиялар жиддий ва масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтишди.

Эътиборхон БҲУРОВА,
Тайлоқ туман ФХДЭ бўлими мудир.

Жуда қизиқ воқеа рўй берди-да, яқиндагина ишга қабул қилинган ёшгина мутахассис: “Мен нотўғри касб танлабман шекилли, энди бир умр шунақа шовқин-суронда юрамани, бошим оғриб қоляпти”, деб бўшах учун арıza кўтариб кирди.

— Вой кизи тушмагур-ей, бу шовқинни энди эшитаясанми, талабалик даврингда амалий машғулотларда қатнашганмисан? — дея яйраб кулди мудира Озодаҳон опа Болтаева. — Бола бўлгач, шовқин қилади-да. Шунга шунча ваҳимами? Сен уларга одоб-ахлоқни, бақир-чақир қилмасликни ўргат. Тарбиячи опанинг вазифаси ҳам шу, аҳли кўникиб кетасан, вақти келиб, болаларнинг шовқинисиз яшолмай

Буни умр дерлар

БИР ЖОЙДА КЎҚАРГАН ДАРАХТ

ҳам қоласан. Эҳ-ей, бу болажонларнинг оламига бир кўникиб олгин, кейин асло чиккинг келмайди. Бор, ёмон хаёлларни каллангдан чиқариб ташла, болажонларга қизикроқ ўйинларни изла, машғулотларни жонли ташкиллаштир, бўш вақти бор одамнинг бошига оғриқ туревради. Ахир сен шу соҳада билим олгансан-ку? Ёш тарбиячи чиқиб кетгач, опа ним табасум билан ўйга толди. Бир тарафдан кизгинанингни ўйлаганча бор, тарбиячилик осон касб эмас. Бироқ кимдир мана шу оғир масъулиятни зиммасига олиши, кичкинтойларга дастлабки тарбияни бериши керак-ку! Умр оқар дер мисоли экан, бир пайт у ҳам шундай ёш эди. 1969 йилдан 2008 йилгача битта жойда, она шаҳри Даштободдаги “Олтин балиқча” болалар боғчасида ишлади. Дастлаб у ҳам шу қизга ўхшаб: “Ёш болалар билан қандай қилиб тил топишарканман”, деб чўчиганди. Ҳар қандай касбда ўзингча ишонч ва қизиқиш керак бўларкан. Аввал тарбиячи, кейинчалик мудира сифатида битта жамоада меҳнат қилиб, қанчадан-қанча ота-оналар билан учрашмади, дейсиз. Шаҳарнинг деярли тўқсон фоизини танишининг боиси ҳам шунда, унинг болалар боғчасида тарбияланганларнинг олди бугун бобою бувижонлар, ахир.

Болалар боғчасида аввало саранжом-са-

ришталikka эътибор қаратганди. Байрам тадбирларида болакайлар ўз ота-онасини кўрса, уларнинг олдида шеър, ашула айтса, рақса тушса, бунинг таъсир кучи зўр бўлишини тушунтирарди ва уларни хамиша турли тадбирларга тақлиф қиларди. Яхши ниятда ишлагани учунми, минг шукрки, битта жойда шунча йил меҳнат қилиб, кам бўлмади. Уни таниган-билганлар хурмат қилади, қизларини худди унингдек, “боғча опа” бўлишини орзу қилишарди.

Озодаҳон Болтаева ўз фарзандларининг ҳам биринчи тарбиячиси. Катта қизи Сурайё Холмирзаева ва айна пайтда мактаб директори сифатида фаолият олиб бораёпти. Феруза болалар боғчасида мудира, Наргиза ҳам олий маълумотли муаллима. Сарвар ва Собиржон иқтисодчиликни танлашган. Опанинг бири-биридан ширин бир этак набиралари бор — Муҳайё, Паризод, Махлиё, Рухшона, Дилнура, Зулайхо, Ирода, Муштарий, Жавоҳир, Бобир, Жаҳонгир, Шаҳбоз... Уларнинг ўқишлари, жамоат ишларидаги фаоллиги, спортдаги ютуқлари Озодаҳон бувининг назаридан четда қолмайди, имкон топиб, албатта, қутлайди, рағбатлантиради.

Аёлнинг чин бахти — оиласидаги хотиржамликда, — дейди у. Қаердаки, эр-хотин бир-бировига иззат-хурматда бўлса, албатта хонадондаги фарзандлар ҳам шундан ибрат олиб ўлгаяди. Куёвларим ва келинларимнинг тарбиясидан ҳам хурсанд бўламан, негаки турмуш ўртоғинг илмли, зиёли, маърифатли бўлса, оиланинг фаровонлиги шу-да.

Зомин туманидаги Даштобод шаҳрида истикомат қиладиган оддий ўзбек аёлларидан бири, моҳир педагог, қирқ йил болалар боғчасида эртанги кун эгалари — болажонларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган Озодаҳон Болтаевага ҳавас қилса арзийди. Зеро, бизнинг юртимизда бундай онахонлар хамиша иззатда, хурматда ва босиб ўтган ҳаёт йўллари бизга ибратдир.

Норинисо ҚОСИМОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.
Сирдарё вилояти.

2015 йил — “КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ”

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Анджон вилоятининг Кўргонтепа туманида умргузаронлик қилаётган, “Шухрат” медали ҳамда “Эл-юрт хурмати” ордени совриндори Матлубахон опа Кўлдощева Маъмуробод маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида бу гўшадаги бугунги янгиланишлар, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ўғил-қизларни чин инсоний фазилятлар руҳида тарбиялаш ҳамда ҳар бир кўча ва хонадоннинг ободлиги йўлида қилинаётган ишларда бош-қош бўлмоқда.

— Узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишладим, — дейди Матлубахон опа. — Утган умримни сарҳисоб этсам, тумандаги 10-умумий ўрта таълим мактабида 37 йил мобайнида директор лавозиминда фаолият юритибман. Маҳалламиздаги 522 хонадонда яшаётган 3800 нафар аҳолининг кўпчилиги кўз олдимда ўсиб, улғайган. Ёши улғур отахон ва онахонлар билан эса қадрдонлашиб кетганмиз. Шу боис ҳар бир ишни ҳамжихатликда амалга оширамиз.

Маъмуробод маҳалласи каттагина худудни эгаллаган бўлиб, 12 та кўчани ўз ичига олган. Битта мактабга таълим муассасаси, битта мактаб, бешта савдо шохбачаси ишлаб турибди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Оилаларда соғлом маънавий муҳитни асраш, ўғил-қизларни турли ёт фояла таъсиридан муҳофазат қилиш, аҳолининг саломатлигини ҳимоялаш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан юртимизнинг барча маҳаллаларида жорий этилган бешта сектор бўйича бу гўшада ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. Ҳар

бир секторга шу йўналишдаги мутахассислар билан бирга маҳалланинг намунали хонадонлари вакиллари, нуруний отахон, онахонлар, фаол жамоатчилар бириктирилган. Улар бамааслахат ва ўзаро ҳамжихатликда иш олиб бормоқдалар. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Оминахон Болтабоева маҳалла раисасининг энг яқин

яхши анъаналаримиз бор. Ота-оналар ўғил-қизларини ёшлигиданоқ катта мақсадлар сари йўналтириб боришади. Жорий йилда коллежни таъминлаган 24 нафар қизимизнинг 9 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юрталари талабаси деган номга сазовор бўлгани бизни беҳад қувонтирди.

Матлубахон опанинг оиласига кўпчилигининг ҳаваси келди. Турмуш ўртоғи Одил Абдурахмонов билан уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, эл-юрт қорига камарбаста қилиб, ўстиришди. Фарзандлари Бекзод, Шохруҳ, Авазбек ва Маъзунхон ўз соҳасининг билимдон мутахассислари бўлиб етишди.

— Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Мухтарам Президентимиз келгуси йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” бўлсин, деган тақлифни ўртага ташлаганларида беихтиёр тўлқинланиб кетдим, — дейди Матлубахон опа. — Юртбошимизнинг маърузаси ҳамда ушбу тақлифи мамлакатимизда ўтган 23 йил мобайнида инсон қадрини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини янада теранроқ очиб берди. Бугун юртимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг барчаси эътибор топмоқда. Мен ҳам ўтаётган “Соғлом бола йили”да Президентимиз Фармонига кўра, “Эл-юрт хурмати” орденига мушарраф бўлдим. Камтарона меҳнатларимнинг бундай нуфузли ордени ва медаллар билан тақдирланиши мени янада кўпроқ ишлашга илҳомлантирмоқда, ғайратимга-ғайрат кўшмоқда.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
“Оила ва жамият”
мухбири.
Анджон вилояти.



кўмакдоши. Одамлар билан жуда яхши тил топишиши, тиниб-тинчимаслиги, эрта-ю кеч маҳалладошлари ташвишини ўйлаб яшаётгани туфайли ота-оналар, келин-қизлар ва ёшларнинг ишончини қозонган.

— Маҳалламизда бир-биридан пазанда, қўли гул чевар, ишбилгич ва тадбиркор келин-қизларимиз, йигитларимиз жуда кўп, — дейди суҳбатдошимиз. — Дилнозахон Раҳимованинг тиккан либосларини кўрсангиз кўзингиз қувнайди. Бу йил коллежни тамомлаган Мўътабар Раҳимова эса имтиёзли кредит олиб, тикув машиналари харид қилди ва тўрт нафар қиз билан иш бошлади. Нигорохон Каримова, Ферузахон Эргашева каби тиниб-тинчимас аёлларимиз оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Ёшларнинг зукко ва хунарли бўлиб ўсишлари, ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун биз катталар масъулмиз-да. Маҳалламизда бу борада жуда

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

нинг барча қатламлари орасида, худудлар ҳамда яшаш, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёпмиз. Чунки асосий мақсадимиз, энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишдан иборатдир. Ходимларимиз газ ва электр тармоқлари корхоналари вакиллари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўриш билан бирга, кенг маънода тушунтириш ишларини ҳам олиб боришмоқда. Бунда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳам яқиндан кўмак беришапти. Шунингдек, ушбу долзарб мавзуда тарбия ва ўқув муассасаларида ҳам турли машғулотлар, викториналар ўтказиб келинмоқда. Болалар ўртасида ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ва замонавий ўт ўчириш анжомлари ҳамда уларни ишлатиш тартиблари хусусида маълумотлар берилиб, махсус кўргазмалар ҳам намойиш этиляпти.

Э. ТУРСИНБАЕВ,
Тошкент шаҳар Ўнсубод тумани
ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

ҲАР ЛАҲЗАДА ОҒОҲЛИК ЗАРУР

Табиию офатнинг катта-кичиги бўлмайди. Улар орасида олов-ёнғин хавфи янада жиддий хатар туғдиради. Бир жиҳатдан олганда, оловнинг инсониятга кўрсатаётган кўмаги бисёр. Бироқ, озгина эътиборсизлик қилиб, унинг жиловини бериб қўйсангиз, биз учун энг шафқатсиз ёвга айланади.

Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда айнан кузги-қишки мавсумда ҳукуратимиз қарорига биноан “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”ни уюшқоқлик билан ўтказиб келишмоқда. Маълумки, куз тугаб, қиш фасли бошланиши билан оққоқ табиятда кескин ўзгаришлар рўй беради: қуниқ ҳароратнинг кескин пасайиши, қировли қунарнинг бошланиши фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортишини, шунинг баробарида фуқароларимиз томонидан қўлда ясалган, носоз ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ишлатишга мутлақо яроқсиз бўлса-да, иситиш мосламаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Аслида биз йилнинг ҳар бир фаслида аҳоли-

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ:

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламадаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда ҳукуратимизнинг алоҳида Фармон ва қарорлари билан чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари белгилаб берилган.

Мазкур қонун ҳужжатларида агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестиция киритилган даврдаги амал қилган қонун ҳужжатлари ўн йил мобайнида қўллаш мумкинлиги қайд этилган. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестиция шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги ҳам белгилаб қўйилган. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига доимий тусдаги ҳукуратнинг алоҳида қарорлар билан ҳам доимий ҳамда муайян муддатга белгиланган имтиёзлари жорий қилинган. Ушбу имтиёзлардан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий корхоналар каби фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Иқтисодиётга чет эл инвесторларини жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши борасида Президентимизнинг алоҳида Фармон ва қарорлари билан ҳам қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармон билан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга икти-сослаштирилган корхоналар инвестициялари ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўринишида солиқ имтиёзлари берилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда имзоланган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими қўламини янада кенгайтирди. Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 11 апрелдаги Фармони асосан берилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II қорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди. Навоий вилояти бўйича 2014 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра фаолият кўрсатиб келаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 50 тани ташкил этади. Хорижий инвестицияларни, биринчи гада тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш, республиканинг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон асосида Навоий вилояти худудда “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонасининг фаолият кўрсатиш муддати 30 йил этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Навоий” ЭИИЗ худудидида алоҳида солиқ режимини таъминлаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби белгиланди. Амал қилаётган алоҳида режимга биноан, мазкур иқтисодий зона катнашчилари қатор мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Эътиборли жиҳати, “Навоий” ЭИИЗда рўйхатга олинган ҳўжжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатта олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Айни пайтда жами 20 та, шундан 16 та қўшма корхона, 2 та хорижий корхона ва 2 та шўъба корхона сифатида рўйхатдан ўтказилган. Бу худудда 14 та корхона ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб, маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Мардон ЖАББОРОВ,
Навоий вилояти ДСБ бошлигининг
биринчи ўринбосари.

ҲОФИЗНИНГ СЎНГГИ ВИДОСИ

Миллий кўшиқчилик санъатида ўз мактабини яратган машҳур санъаткор Маъмуржон Узоқовнинг ҳаёт йўли бугунги ёшларга ибрат бўлгулик. У билан боғлиқ хотиралар эса санъатсевар мухлислар қалбида яшаб келмоқда.

...Эрта баҳор кунлари. Маъмуржон Узоқов хонадонига бордим. Ҳовлида устознинг ўғли Ҳасанбой ака бор экан. Кўп ўтмай, пойтахтдан у кишининг синглиси Зухра опа ҳам етиб келди. Афсонавий ҳофиз яшаган уйни ҳавас билан кузатаман. Мана шу кўркам ҳовлида санъат дарғаси, камтарин инсоннинг қадам излари, соҳир овози қолган. Назаримда, устознинг барҳаёт руҳи бу гўшага ўзгача бир файз, шуқуҳ олиб кираётгандек.

Ораста хона тўрида улкан портрет. Маъмуржон Узоқов сиймоси. Меҳрли боқаётган нигоҳ. Бу с е х р л и нигоҳ столда ёйилиб турган бир даста суратларда ҳам намоён.

Мана улар: бирида Жўрахон Султонов билан устоз ёнма-ён туришибди. (Эсдалик учун тушиланган бўлса керак). Яна бирида қандайдир байрам. Жилмайиб сўзлаётган Юсуфжон кизик Шакаржонов ҳамда ҳофизнинг табассумли чехраси. Ҳаммаси ҳаётий таъсирлар. Буюк ва тенгсиз истеъдод соҳибининг умр парчалари.

— Раҳматли дадам бизларни сизлаб гапирардилар, бошқа бир ҳудуддан келган киши учун бу нотабийи ҳолдиган туюлади, бироқ бу маргиликларга хос хусусият, — дейди санъаткорнинг дилбанди Зухра опа. — Болалигимда дадам билан тез-тез бозорга бориб турардик. Ҳасанбой иккимиз икки ёнида юрагим денг. Ҳовлимиздан шаҳар марказидаги деҳқон бозоригача нари борса, ўн дақиқалик йўл. Аммо остона хатлаб, кўчага чиқамиз, дадамнинг таниш-билишларига дуч келамиз. Ким биландир бош ирғаб саломлашадилар. Кадрдонларини учратиш қолса, гурунғ қизиб кетади. Ана шундай суҳбатларда дадамнинг осмонга қараб куладиган одатлари бор эди. Ҳар бир таниш-нотаниш билан бирров сўраша-сўраша, бозорга бир соатда зўрға етиб борардик. Бозорда эса анжир сотадиган аёллар баркашга анжирни тўлдириб, дадамага узатишарди. Дадам эгизак бўлганимиз учун бизга негадир бошқача бир меҳр бергандилар. "Булар оддий фарзанд эмас, жуда табаррук

болалар. Танлаб-танлаб берасиз-да", деб ярим ҳазил, ярим чин қилиб гапирардилар... Ўша ҳазиломуз гаплари сира эсимдан чиқмайди.

Маъмуржон Узоқов 1904 йили Марғилондаги машҳур Машад маҳалласида таваллуд топган. Унинг ёшлиги жуда оғир ва қийин даврларга тўғри келди. У пайтлари мактабга бориш қайда, дейсиз? Бир ёғи турмушда етишмовчилик. Бўлажак санъаткор оғир ҳаёт туфайли чойхонада самоварчига бирмунча вақт ёрдам бериб юрди. У

қайтарма", "Дугоҳ Хусайний", "Бухоро Ироқи" каби ўнлаб ашуларни тинглаган шинавандаларнинг қалби ҳамонларзага келишининг сирлари кўп. Ҳозирги кунда ҳам санъат оламига қадам қўяётган ёшларнинг кўпчилиги унинг сеҳрли овозига ҳавас қилиб, бой меросини ўрганмоқда.



...1963 йил 12 июль. Марғилон истироҳат боғи республикадан ташриф буурган меҳмонлар билан гавжум. Эл ардоғидаги санъаткорлар, ҳофизнинг яқин биродарлари ҳам бор эди. Кўярда-қўймай, саломатлиги унчалик яхши бўлмаган Маъмуржон акани ҳам катта

тантанага бошлаб келишди. Айтишларича, ҳатто шифокорлар ҳам ҳофизга вақтинча ашула айтишдан тийилиб туришни маслаҳат беришган экан. Аммо не-не табаррук зотлар уни йўқлаб келганида хониш қилмасликнинг иложи тополмади у. Берилиб куйлашни соғинганмиди, ёки мухлислар унинг дил ўртар ашуларини интизор кутиб ўтиришганини сездими, бехиётиёр оҳиста овозда куйлай бошлади: кўпдан бери бу соҳир овозини, ҳеч бир санъаткорга ўхшамайдиган дил нолаларини соғинган давра гўё сеҳрланиб қолди ўша лаҳзада. Ёнида ўтирган эл суйган санъат дарғалари ҳам ҳаяжонда туришарди. Бир маҳал Маъмуржон Узоқов таронанинг авж пардасига чиқди — улкан Марғилон боғида унинг овозидан бошқа килт этган сас эшитилмас, мухлислар бўлса, бу беназир устанинг санъатидан сеҳрлангандек ҳатто нафас олишга ҳам қизғониларди. Ниҳоят авж пардада... Маъмуржон ҳофизнинг боши Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурxonовнинг тиззасига оҳиста кулади...

Ўзбек миллий мақом-кўшиқчилик санъатининг беназир устаси Маъмуржон Узоқовнинг ҳаёт билан бундай ҳолатда видолашмоғи кимнинг ҳаёлига келибди,



Хотира саодати

дейсиз.

Бу қутилмаган воқеа ўша куннинг ўзидаёқ бутун Марказий Осиё халқларини ларзага солди. Эртасига дафн маросими бўлиб ўтди. Қадим Марғилон кўчалари узоқ-яқиндан келган одамларни ўз бағрига сиғдира олмади. Санъаткорнинг тобутини ел-

калаш тугул, унга қўл теккизмқнинг ўзи мушкул эди. Ҳатто устозлари ҳам халқнинг кўнглини бутунлай ўзиники қилиб олган шогирди учун юм-юм йиғладилар...

Маъмуржон Узоқов нафақат санъаткор сифатида, балки одамийлик, камтаринлик, оқибатлилик каби фазилатлари билан ҳам эл орасида доврғ топган эди.

Умр йўлдоши Оминахон ая билан бахтли ҳаёт кечириб, Мақсудахон, Муҳаммаджон, Ҳасанжон, Зухраҳон ҳамда Захроҳон исмли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказдилар. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасининг етуқ мутахассислари бўлиб етишди. Муҳаммаджон Узоқов (Оллоҳ раҳмат қилсин) ўзбек киноси ва театр саҳналарида яратган образлари билан халқ назарига тушди. Айни пайтда унинг ўғли Алишер Узоқов ҳам ёш умидли актёрлардан бири сифатида мухлислар меҳрини қозониб келмоқда.

Ҳофизнинг номи ҳаммаша барҳаёт. Ҳозирги кунда Марғилонда ул зот яшаб ўтган кўча ҳамда шаҳардаги маданият ва истироҳат боғига Маъмуржон Узоқов номи берилган. Истиқлол йилларида устознинг ижоди муҳтарам Президентимиз томонидан юксак баҳолалиб, "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Ҳукуматимиз томонидан санъаткор ижодини тарғиб қилишда кўрсатилган эътибор ва гамхўрликлар туфайли устознинг навалари, бебаҳо мероси ҳаммаша бардавом.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
журналист.
Марғилон шаҳри.

Ушбу мақолани тайёрлашда беминнат ёрдамларини аямай, оила архивида сақланаётган ноёб суратларни тахририятимизга тақдим этган Маъмуржон УЗОҚОВнинг қизи Зухраҳон УЗОҚОВАга ўз миннатдорчилигини билдираман.



ЗАРБУЛМАСАЛ – бу сўз асли турли масаллар, мақоллар деган маънони англатади. Бирор рамзли гап, ҳикоя ҳам тилимизда "зарбулмасал" деб аталган. Шунингдек, машҳур бўлиш, танилиш, баъзан кулги бўлиш ҳам "зарбулмасал" сўзи билан ифодаланган.

Лугатда дoston, зарбулмасал, кўшиқ ва маталлардан олинган мисоллар ҳам кўп.

Журналдан

Мулла Муҳсин... кўп вақт (кўрувчи ва эшитувчилар) оғизларида зарбулмасал ҳам бўлиб юрийди.

Абдулла Қодирий

ИСТЕҲКОМ ВА МУСТАҲҚАМ – "Истеҳком" сўзи тилимизда мудофаа, душмандан сақланиш учун қурилган мустаҳкам тўсиқ, девор, қалъа маъноларини англатган. "Истеҳком" сўзининг туб илдизи "мустаҳкам" сўзига бориб тақалади.

Шунқор кўкрагингиз истеҳкомдан зўр.

Ғафур Фулом

ИММУНИТЕТ – организмнинг касаллик қўзғатувчи зарарли микроорганизмлар ва захарли моддалардан ҳимояланиш рекациясини билдирадиган "иммунитет" сўзи тилимизга асли лотин тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи "кутулиш", "халос бўлиш", "холи бўлиш" каби маъноларни англатган.

МАШШОТА – ўтмишда қиз ва келинларнинг сочларини тараб оро берувчи, пардозчи аёллар "машшота" деб аталганлар.


Шона урсам ғайр зулфига, чақилсин кўларим,
Қайси бир машшота ҳам зулфунг паришон айласа.

Увайсий

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ЧАҚАЛОҚҚА ДАБДАБА ЭМАС, ФАҚАТ СУТ КЕРАК!

ёхуд туғруқхонадан чиқишдаёқ дабдабага ўргатилаётган болалар хусусида



...Нигина ширингина чақалоғини баррига босиб, туғруқхонадан чиқаркан, дунёда гўё ундан-да бахтли аёл йўқ эди. Қалби орзу-ҳавасларга тўлиб-тошган эрининг ҳам, қайнонасининг ҳам қувончдан кўзлари порларди. Ахир улар маҳалла-қўй олдидан анчагина пул сарфлаб, чақалоқни туғруқхонадан карнай-сурна-ю антиқа машиналарда олиб чиқишди-да. Бунинг устига, миттивойга костюмши кийгизиб, куёвтурради ясантириб, машхур ресторанга зиёфатга йўл олишди. Нигинанинг эғнида энг сўнги урфдаги қимматбахо кўйлак, юзлари пардоздан ял-ял ёнмоқда, сочлари ҳам замонавий турмакланган... Албатта, бунинг ўзи бўлмади, хомиладорлигида емай-ичмай жамгарган пуллари тўфайли эришган буларга...

Расм-русумлар тугагач, хонадон соҳиблари сарҳисоб қилишса, ҳатто чақалоқнинг таглигига ҳам пул қолмабди. Шундан сўнг қайнона тўнини тескари кийди, эрининг ҳам асаблари таранглашди. Рўзгорда етишмовчиликлар бошланди. Буларнинг бари эндигина туққан келинчакнинг асабларига ҳам таъсир қилмай қолмади. Чақалоқ эса сугта тўймай, тамшанарди...

Бугунги кунда ўткинчи орзу-ҳавас йўлида ўйламай-нетмай қилинган бу каби ортиқча дабдабозликлар ортидан юқоридагига ўхшаш воқеаларнинг содир бўлаётгани ачинарли ҳол. Қўпчиликни қийин аҳволга солиб қўяётган бундай ўзрима-ўзракни одатлар юқумли хасталик сингари тобора урчиб бормоқда. Бу ҳақда шифокор мутахассислар, ёши улуг отахону онахонлар қандай фикрда?

Нигора ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 32-оилавий поликлинника шифокор-гинеколог:

— Ҳар бир она ҳам ўзининг, ҳам боласининг соғлиги учун жавобгар ҳисобланади. Туғруқхонада ётган баъзи аёлларни кўриб, ҳайрон қоламан. Улар ўзларини гўё фарзанд дунёга келтириш учун эмас, балки шохона тadbир ёки тўйга тараддуд кўраётгандек туйишади. Эсон-омон кутулиб олгач, ҳолсизлигига қарамай, хузурига сартарош чакиртириб, қош тердиради, фалон сўмга сочини турмаклатади...

Аслида, сартарошнинг туғруқхонага кириши мутлақо гигиенага тўғри келмайди. Чунки эндигина кўзи ёриган аёл, ундан ҳам кўра, янги туғилган чақалоқ нихоятда нозик, касалликларга мойил бўлади. Сартарош қўлидаги инфекцияларга тўлиб-тошган тароғи билан юзлаб аёлларнинг сочини тарайди-ку, унга ҳисобсиз микроблар ёпишган бўлиши мумкин. Бунга оддий ҳол деб қарамаслик керак. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мутасаддилар қатъий чоралар кўрадиган вақт келди, назаримда.

Кўпича хузурига келган хомиладор аёлларга турли витамин ва фойдали маҳсулотларни истеъмол қилиб туришлари кераклигини айтганимда, моддий аҳволлари яхшимаслигини пеш қилишади. Ҳолбуки, организмларини зарур маҳсулотлардан маҳрум қилиб, пуллари юқоридаги сингари ортиқча дабдабаларга сарфлашдан оғринишмайди. Афсуски, улар зарарли одатлар ортидан эргашиб, оқибатда ўзлари билан бирга фарзандларини ҳам қийнаб қўйишмоқда.

Каноат НАБИЕВА,
Яшнобод тумани "Она ва бола маркази" мутахассиси, гинеколог:

— Янги туққан аёл гўдаги билан "чиллала" ҳисобланади. Кексаларимиз бундай уйга ҳар хил одамларни киритишмагани беҳиз эмас. Чунки бу даврда онанинг ҳам, боланинг ҳам организми нимжон, иммунитет паст бўлади. Салгина каттиқ эсган шамол ҳам уларга салбий таъсир қилиши мумкин. "Чилла"да она-бола эътиборга муҳтож бўлади. Кайвони онахонларимиз туғруқхонадан чиққан келинни кирк кун мобайнида авайлаб парваришлас кераклигини таъкидлайдилар.

Ана шу даврда ўзини эҳтиётламаган, оғир ишлар қилган келинлар кейинчалик бир умрга бел оғриги ва бошқа касалликларни орттириб олишади. Шунинг учун туғруқхонадан чиққан келинни онаси ёки қайнонаси назоратида яхшилаб парваришлас керак.

Ҳозир-чи, кечагина "кўзи ёриган" аёл тўғри ресторанга — турли-туман одамлар ов-

бошим гувиллаб, уйга аранг етиб келдим. Кейин билсам, шовқин-сурондан қон босимим ошиб кетибди.

Туғруқхонада туғишдан олдин даволаниши керак бўлган беморлар, фарзандини минг бир азобда дунёга келтираётган аёллар ётади. Бунақа шовқин-суронларга улар қандай тоқат қилишади?

Янги туғилган қиз чақалоқларни келин кўйлақда, ўғил болаларни эса куёв либосида олиб киши урфга кираётганмиш. Бу ҳам етмагандек, чақалоқларнинг бўйнига тилла занжирли сўргич тақишаётганига қуласизми, қуясиизми?! Туққан келиннинг онаси эса чақалоққа мабулаб боргунча етгулик кийим-кечак, бешик, арава ва ўйинчоқларига олиб бера-



қатланадиган жойга боряпти. Бу ҳам етмагандай, уйда "қовурдоқ"ка келган бир талай меҳмонларни кутиб олади. Эҳтимол, улар орасида кимдир юқумли (масалан, грипп) касалликка чалинган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда хасталик янги туққан аёлга ва ундан боласига жуда тез юқади. Ҳозирда тобора урфга кириб бораётган керакисиз ва айни дамда зарарли урф-одатлардан воз кечиш керак. Йўқса, унинг салбий оқибатларидан ўзимиз азият чекамиз.

ГУЛЧЕҲРА Опа,
пенсионер (Тошкент шаҳри):

— Бизнинг даврларда туғруқхонадан чиқиб, уйга етиб олиш учун қанақа бўлишидан қатъи назар, бирор улов топилса бўлди эди. Ҳозирги дабдабозликларни кўриб, рости, оғзим очилиб қоляпти. Яқинда кенжа қизим фарзандли бўлди, туғруқхонага уни кўргани бордим. Туғруқхона эшиги олдиде янраган карнай-сурнаининг шовқинидан қулоғим қоматга келди.

япти. Қизимнинг айтишича, мен ҳам унинг боласига, қайнона-қайнотаси, эри, ҳатто қайнсингилларига беш-оёқ сарпо қилиб, қовурдоқ, бешик тўй ва кейинроқ хатна тўйларигача ўтказиб беришим керак эмиш. Нафақадаги аёл бўлсам, тўғриси, бунақа дабдабани чўнтагим кўтармайди. Агар қизимнинг айтганларини қилмасам, уйдагиларидан маломатга қолади. Унинг тинчгина яшаши учун қарз-қавола кўтариб бўлса-да, ортиқча одатларга бўйсунмай иложим йўқ...

Адҳам НИЁЗОВ,
Ургут тумани "Урамас" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Аввалига шаҳарда пайдо бўлган бундай удумлар ҳозирда қишлоқларда ҳам "урф"га кириб улгурган. Бу одатларни кўрган баъзи одамларнинг энсаси қотса, баъзиларининг кўнглидан "Фалончи туғруқхонадан хотинини ҳамманинг ҳавасини келтириб, карнай-сурнай садолари остида, "лимусин"да

олиб чиқди", "Чақалоққа тилла занжирли сўргич тақибди, биз ҳам шундай қиламиз", деган калтабин ҳавас ўтади. Ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида ана шундай одатларни ўйлаб топаётганлар кўнглида аслида манманлик ва кибр-ҳаводан бошқа нарса йўқ. Чунки манман одамгина ўзида борини бировларга кўз-кўзлашни хўш қўради. Эндигина туғилган мурғак чақалоқни ялтир-ялтир либосда, ҳамманинг кўз ўнгида шовқин-суронга қориштириб олиб чиқишдан мақсад нима? Илгари чақалоқларнинг чилласи чиққунча ҳар хил ёт назарлардан асраб-авайлашган. Ҳозир эса атайлаб уларни омма олдиде кўз-кўз қилишяпти.

Яқинда маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, аҳолига айнан шу мавзуда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориш шарт деган хулосага келдик. Тўй-маъракадами, байрам тadbирларида, қуясиизми, мақсади мизни баён этишимиз зарур. Биз маслаҳат берамиз, тўғри йўл кўрсатамиз, аммо уриб-сўқиб, айтганимизни қилишга мажбурламаймиз. Қолгани эса ҳар кимнинг ўзига, виждонига ҳавола.

Эндигина туғилган чақалоқ уйига машинада боради-ми, эшак-аравадами, унга фарқи йўқ. Чақалоқ атрофида нима бўлаётганига тушунмайди ҳам... Халқимиз севган қизиқчи раҳматли Ҳожибой Тожибоев айтганидай: "Унга фақат сут керак, сут..."

Мазмун-моҳиятга тушунмай туриб, бундай бемаъни одатлар ортидан кўр-кўрона эргашаётганларни бу йўлдан қандай қайтарса бўлади? Айни пайтда жамиятимизнинг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўпни кўрган мулоҳазали отахону онахонлар, оила катталари, қолаверса, ҳар биримиз бу ҳақда жиддий бош қотирайлик. Токи ҳалол пешона тери билан топган маблагимиз ҳавойи дабдаба йўлида эмас, фарзандларимиз саломатлиги учун сарфлансин.

Зарина РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишриқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сазавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Қуйлик қийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ёлғон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиги ёмон туолиш ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам...

Ҳар кимнингки сўзи — ёлғон, ёлғонлиги билинганч, уятга қолган; ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устамони — кумушга олтин қоплаб сотувчи заргар...

Тил ширинлиги — кўнгила ёқимлидир; мулоиймлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айлана кўпчиликка зарари тегади...

Тоғай МУРОД

...Бекатда янграётган тарона бошқасига алмашди. Овози ёқимли хонанда хониш қила бошлади: "Ахволига ох ўзи чекиб ох йиллар..."

Бир пайт ёнимда кимдир ҳиқиллаб йилгай бошлади. Катта кўча, одамларга тўла шохбекат. Хайрон бўлдим. Чиндан ҳам ёнимда ўтирган аёл йилларди.

— Опа, тинчликми, тобингиз қочдими, нега йилгайпсиз? — дедим беихтиёр. У ўқиниб-ўқиниб йилларди.

— Айтинг, ё бирор нарсангизни йўқотиб қўйдингизми? — яна уни саволга тутдим.

Аёл менга термилганча, худди айб иш қилиб қўйган одамдек хижолат тортди ва паст овозда:

— Ҳазим... синглим, негадир кўнглим тўлиб кетди-да, — деди.

Йўқ, унинг кўнгли шунчаки тўлмагани аниқ эди. Кўринишидан мулоҳазали, огир-босиққа ўхшарди. Ундайлар камдан-кам ҳолатдагина кўз ёшини бировларга кўрсатади. Янглишаган эканман.

— Айтсам ишонмайсиз, анави кўшиқни эшитиб, хўрлигим келиб кетди. — деди аёл ўзини анча босиб олгач. У кимгадир ҳасратини тўкиб солишни истарди. Яқиндан танишдик. Ҳаёт бошига кўп синовли кунларни солибди.

Солиҳа опанинг ҳикояси

— Ушанда институтнинг иккинчи курсида ўқирдим. Орзуларим бир олам эди. Лекин ота-онамнинг ўйламай-нетмай чиқарган битта қарори тақдиримни остин-устун қилиб юборди.

Соппа-соғ юрган, мендан тўрт ёш катта опам кутилмаганда юрак хуружи туфайли дунёдан ўтиб қолди. Унинг иккита ёш боласи бўлиб, кенжаси эндигина уч ойлик бўлганди. Опанинг маъракалари ўтгач, онам чақалоқни уйимизга олиб келиб, ўзлари парвариш қила бошлади. Поччам тез-тез ўғлини кўргани келиб турарди.

Орадан бир неча ой ўтгач, фарзанд доғини кўтара олмади шекилли, отамнинг ҳам тоби қочиб, тўшақда ётиб қолди. Онам бечоранинг бир ўзи хастахол отам ва мурғак чақалоққа қарай олмасди. Шунинг учун мен вақтинча таътил олиб, гўдакка қарай бошладим. Жияним бир ярим ёшга тўлганда, тили қичиб, атак-чечак юра бошлади. Кўпроқ ёнида бўлганим учунми, мендан ҳеч ажралгиси келмасди. Овқат есам ерди, бўлмаса йўқ. Мен ухلامасам, у ҳам ухلامасди.

Бир кун иккимиз оилавий альбомни кўриб ўтиргандик. Одилбекка раҳматли опахонимнинг суратини кўрсатиб: "Мана бу оинг, ойи де-чи, о-й-жон", дедим унинг чучук сўзларини эшитишни хошлаб.

— Йў, мана ойи, — деди Одил жажжи бармоғини менинг юзимга текки-

зиб.

— Вой, жиннivoй, мен оинг эмас, холангман-ку! Мени холажон дегин.

— Йў, толамаш, ойи-и-и, — деди лабларини чўччайтириб жияним.

Шу пайт дераза томондан келган овоздан чўчиб кетдим:

— Қўйинг, Солиҳа, майли-да, ойи деяверсин.

Поччам дераза раҳига суяниб, бизларга қараб кулимсираб турарди. Бу қараш ҳар доимгидек эмасди. Мен ҳалиги гапдан хижолат бўлиб, ўғил-



"МЕҲР БЕРИБ, МЕҲР КЎРМАДИМ"

часини унинг қўлига тутқазиб, бошқа хонага кириб кетдим...

Бир неча кундан кейин отам, онам ва поччам биргаликда нималарнидир шивир-шивир қилиб гаплашадиган бўлиб қолишди. Кейин билсам, отам жиянларимни ўйлаб, мени поччамга турмушга бермоқчи экан. Бу фикр аввало поччамнинг ўзидан чиққанини билардим. Уша кунни туни билан йиллаб чиқдим, рози бўлмадим. Онам мени роса аврашга уринди. Раҳматли опанинг руҳи шу билан шод бўлишини айтиб, кўп насиҳат қилди. Ҳаттоки, шарт қўйди. Отам ҳам унамасам, мендан рози эмаслигини айтди.

Шундай қилиб, гул орзуларимни қизлик уйимга кўмиб, ўз поччамга хотин бўлдим. Ўқишим ҳам аро йўлда қолиб кетди. Жиянларимга раҳимим келар, аммо ҳеч кимнинг менга раҳми келмагани алам қиларди. Отанамнинг розилиги учун армонларга кўмилдим...

Худонинг ёзиги шу эканми, негадир мен фарзанд кўрмадим. Эрим ҳам бунини унчалик хохламадим, мени дўхтирларгаям кўрсатмади. Икки болага меҳримни бериб, йилларни ўтказдим. Кўнгилсиз турмушга ҳам кўникдим. Аввал отам, ўн йилдан сўнг онам оламдан ўтди. Болалар ҳам анча улғайиб қолишди. Қизимизни узатдик, навбат Одилбекни уйлантиришга келганда, кўз остимга олиб қўйган бирикки номзодларни унга хаддим сиғиб айтдим.

— Ҳазимнинг яхши кўрган қизим бор, ушанга уйланаман, — деди ўғлим қатъий равишда.

— Билсак бўладими, хўш, ким экан у? Оиласи қанақа? — дедим мен ётигрок охангда.

— Сизнинг нима ишингиз бор мен билан? Сизни сўраб-суриштиришга ҳақингиз йўқ!

— Нима дединг, нега сўрамас эканман, ахир мен...

— Сиз менинг онам эмассиз-ку!?

Шу сўзларни эшитиб қотиб қолдим. Бошим айланиб кетди. Кўнглимдаги аввалги совуқлик ҳам ҳолава экан, бу гапдан сўнг юрагимга муштдек муз тушди гўё. Шуларни эшитиш учун уларни катта қилганимиди? Шунинг учун орзуларимдан воз кечдимми? Бу саволлар юрак-бағримни ўртарди. Аммо вақтни орқага қайтариб бўларканми...

Тўй кунида ҳам ичимга чироқ ёқса ёришмади. Мен бир четда қолиб, ҳамма ишни Одилнинг аммалари бажаришар, гўё жонсиз кўғирчоқдек турдим, холос.

Келин ўзига етганча тилли-жағлиқина экан. Одилнинг эркилигидан унинг бетга чопарлиги ошиб тушди. Тез орада арзимаган нарсадан жанжал чиқарди. Ҳатто ўз эрини сенирасгача борди.

Ҳомиладор бўлгач-ку, тамоман уйнинг маликасига айланди. Ўғлим ҳам унинг эзмидан чиқолмай қолди.

Келин ва ўғлимнинг зуғумлари жонимдан ўтса, эримнинг икки оғиз ширин гапидан юпанч ахтарардим. Аммо охириги пайтларда аҳамият берсам, у ҳам анча ўзгариб қолган эди. Салкам икки йиллик кузатишларимдан сўнг шунга ишонч ҳосил қилдимки, у аллақачон яширинча бошқа бир аёлга уйланиб олган, кейин эшитсам, ўша хотиндан битта қизи ҳам бор экан...

Тан оламанми-йўқми, энди мен ҳеч кимга керак бўлмайдиган одам эдим. Ахир, эрим учун ҳам, болалар учун ҳам ўз вазифамни бажариб бўлгандим. Худди мудардини ўтаган буюмдек.

Меҳр бериб, на қизимдан, на ўғлимдан, на келинимдан меҳр кўрсам, эрим учун уйда бир хизматкордан фарқим бўлмасан, шуям ҳаёт, шуям турмушми?! Бошимни қайси тошга уришни билмасдим.

Йўқ, аёлнинг дийдаси қаттиқ бўларкан, чидадим. Вақти-соати етиб келинимнинг кўзи ёриди. Ўғил туғди. Энди мен уларга энағаликка керак бўлдим. Шу орада неварам билан бироз овундим. Мен унга, у менга ўрганиб қолди.

Икки ярим яшар бўлганда, бир кун у йиқилиб тушди. Бундан келиним роса ғазабланди. Бор захрини менга сочди. «Атайлаб қилгансиз»,

Буни ҳаёт дейдилар

деди. Қайси буви ўз набирасини атайин йиқитади. Яна уни бир парчалигидан ўзи катта қилаётган бўлса?..

Хуллас, сатанг келинга ҳеч нарсани тушунтиролмадим. Энг ёмони, ўғлим ҳам, эрим ҳам келиннинг ёнини олишди. Хўрликлар жонимдан ўтиб, акамнинг уйига кетдим. Келинойим яхши аёл эди, кўнглимни кўтарди, менга далда бўлди.

Мен гумроҳ, ҳар лаҳзада кун сарнардим, эрим ё ўғлим келиб, барибир мени олиб кетади, деб умид қилардим. Афсуски, бир неча ой ўтса ҳам улардан дарак бўлмади. Мен эса набирамни соғинардим, ўша қишлоқда яшайдиган танишларимдан соғ-саломат юрганини сўраб олардим.

Ниҳоят, беш ой деганда келиним ва ўғлим кириб келди. Келиннинг қўлида набирам. Озиб-тўзиб кетибди. У мени кўриши билан қўлларини ёзиб талпинди. Қўлимга олишим билан юз-кўзларимдан ўпа кетди. Йиллаб юбордим. Дунёда мени ҳам соғинадиган инсон биргина шу уч яшар набирам эканига шу тобда иқроқ бўлаётгандим.

— Бўлди, болани сиз олинг, — кутилмаганда буйруқ берди эрига келиним. Кейин менга ўқрайди: — Бизга қасдлашиб, болага ирим-сирим қилишни бас қилинг, хўпми?

Мен ўша пайтда ҳеч нимага тушунмадим.

— Нималар деяпсиз, келинжон, тинчликми? Қанақа ирим-сирим?

— Эшитдим, сизни шунақа иш қиладиган хотинниқиди кўришбди. Биламан, боламни ўлдириш учун ҳар балоларни қилиб юрибсиз. Агар боламга бир нима бўлса, сизни ҳам ўлдираман. Шуни билиб қўйинг!

Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Одам боласи шу даражада разил бўлиши мумкинми, шу кунгача кўрган азобларим етиб ортмасмиди, қандай тухматларга қолдим-а. Асабийлашганим учунми, унга бир оғиз ҳам гапиролмадим.

— Ана, кўряпсизми, мен сизга нима дегандим. Гапим ростлиги учун гинг деёлмай қолди.

Келинимнинг сўзлари олмас-олисан эшитила бошлади: "Мултахам, ёлғончилигини-чи, хушидан кетганига ўлайми. Ҳамма қилиги сохта бу кашмири хотининг..."

Кўзимни очсам, уй ичида ётибман. Тўйиб-тўйиб йилгадим. Ҳеч кимни кўргим келмай қолди. Ҳаммадан кўнглим қолди. Аслида бошимни олиб, бир ёқларга кетиб юбормоқчийдим. Лекин...

— Қаёққа борасиз энди? Аёл елка қисди. Ўз ташвиши билан шошаётган одамларни бепарво кузатди. Сўнг туриб, улар оқимига қўшилиб кетди. Ортиндан ҳарчанд чақирмай, қарамади. Уни одамлар орасида йўқотиб қўйдим...

ДИЛРОЗ ЁЗИБ ОЛДИ.

Сумкалар аёллар учун энг муҳим буюм бўлиши билан бирга, уларнинг феъл-атвори ҳақида ҳам "сўзлар" экан. Мутахассисларнинг фикрига кўра, аёлнинг жиддий ёки хушчақчақлиги, базмларни ёқтириши ёки ёлғизликни маъқул кўришини унинг сумкасига қараб аниқласа бўларкан.

• Геометрик сумка — тўғри бурчакли, квадрат ва трапеция шаклида («ретро» услуби дейилади) бўлади. Ихчам жомадончаларни эслатуви, ортиқча безаклари бўлмаган бундай сумкалар ҳозирда кенг урфа қилган бўлиб, эга-

АЁЛНИНГ СУМКАСИГА ҚАРАБ...

сининг одми ва омилкорлигидан дарак беради. Замоनावий, нозик дидли, ишбилармон аёллар иш юзасидан бўладиган учрашувларга шундай сумкаларни танлайдилар.

Бундай сумка тутган аёл аэрофдагиларда таъби нозиклиги билан таассурот қолдиради.

• Тўғри бурчакли рюкзак-сумка икки тўқали бўлиб, олдиди катта чўнтақлари бўлади. Елкага осиб унун узун тасма ўтказилган. Уни қишда тутиш жуда қулай. Ишбоп ва содда кўринувчи бундай сум-

калар соҳибаси замоनावий бўлиб, ортиқча дабдабани хуш кўрмайди. Эркин услубда кийинишни ва қулайликни ёқтиради.

• Кармон-сумка — ўзининг юмшоқлиги, ихчамлиги ва безакларининг бетақроқлиги туфайли эътиборни тортади. Унинг илгави шарикли бўлиб, байрам оқшомларига безакли тош ёки жимжимадор шаклдаги шокилалар билан ясалган хили мос келади. Қандай тош билан безатилганига қараб, бундай сумкачалар эгаси замоनावий ва нозиктаъ-

блиги билан ажралиб туради.

• Узун тасмали, занжирилик кичкина сумканинг шакли ва материали исталган турда бўлиши мумкин. Металл ва ялтирок тасмалар билан безак берилган, тимсоҳ, бўғма илон ва илон терисидан тайёрланган ёки шундай безатилган сумка-саквоаялар кейинги пайтда жуда оммалашди. Уларни исталган кийимлар билан тутиш мумкин. Бундай сумка соҳибалари ишчан бўлиши билан бирга, ажойиб ташкилотчилиги билан ажралиб турадилар.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.



ЖОНИВОРЛАР УЧУН ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ

Екатеринбург шахрида гаройиб гўзаллик салони ёки сартарошхона очилган. Бу хизмат кўрсатиш масканининг миждозлари одамлар эмас, балки уй жониворларидир. Севимли жониворларини энг сўнгги урфдаги пардоз намуналари билан кўриш истагида бўлган қизиқувчилар гўзаллик салонида тез-тез ташриф буюриб турадилар. Пардозхона бекаси Дарья Гоцанинг таъкидлашича, улар қўллаётган турли бўёқлар ўсимлик




экстрактлари асосида тайёрланган бўлиб, хайвонлар учун мутлақо зарарсиз экан. Шундай бўлса-да, уй жониворларининг кўпчилиги хўжайинлари бунга ишончсизлик билан қарашмоқда.

Масалан, британ Қироллигининг жониворлар билан шафқатсиз муносабатлари бартаф этиш жамияти вакили (RSPCA) шундай дейди:

— Бўёқ эҳтимол экологик тоза бўлиши мумкин, бироқ у жониворларнинг ошқозонига тушса, уларга жиддий зиён етказиб қўяди. Улар устида сартарошлик ишларини олиб бориш ҳам хавфли. Масалан, айтайлик, сиз мушукни аввал чўмилиртасиз. Бунда табиийки, у бор кучи билан қўлингиздан чиқиб кетишга уринади. Бу муносабат ҳам жониворларга жиддий рухий-эмоционал зарар етказиши мумкин.

Қайсидир маънода эътирозлар ўринли. Ҳақиқатан ҳам, антиқа пардоз ишлари уй хайвонларига ёққан-



ёқмаганлигини уларнинг ўзлари айтиб беролмайди-ку. Шунга қарамасдан кўнгилли тарзда сеvimли жониворларини янги, ноанъанавий киефада кўриш истагида бўлганлар мазкур гўзаллик салонида навбатда туришибди. Эҳтимол, жониворлар уларни боқиб парвариш қилаётганликлари учун онгли дўстларининг ҳар қандай эрмакларини "тушунишар".

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



ТИЛИ БОШҚА, ДИЛИ БОШҚА ЭКАН

Асли самарқандликман, ҳозир Тошкентда яшайман. Хайринисо билан ўттиз йилдан зиёд умргузаронлик қилдик. Икки ўғил, икки қизни тарбиялаб воёга етказдик. Фарзандларим оилали, уйли-жойли. Кичик ўғлим мактабни тамомлаётган кезлари аёлимнинг қон босими ошиб, тез-тез безовта бўла бошлади. Шифокор назоратида, мунтазам даволаниб юрди. Аммо тақдирнинг иродаси экан-да, ахволи оғирлашиб, вафот этди. Орадан беш йилча вақт ўтгач, менинг ҳам саломатлигим ёмонлашди. Фарзандларим билан маслаҳатлашиб, иссиқ-совуғимдан хабар олиб турар, дея бир рус аёлига қонунан уйландим. Унинг икки яшар ўғли бор экан. Никоҳланган кунимиз: "Икки хонали уйим бор, шу ерда яшаймиз", деб туриб олди. "Менинг ҳам уй-жойларим етарли, сени олиб кетаман", десам қўнмади. Эртаси кун кийим-кечакларимни кўтариб, уникига бордим. Бироз суҳбатлашиб ўтирганимиздан кейин: "Биласиз, мен ишлайман, бундан бўёғига сиз уйда фарзандимга қараб ўтирасиз", деса бўладими? "Ўзим ёрдамга муҳтож бўлсам, ёш болага энагалик қилиш осонмас, уни кун бўйи назорат қилиш менинг қўлимдан келмайди", десам, "Шартимага қўнмасангиз, бу уйдан ҳозирок чиқиб кетинг, сизнинг менга керагингиз йўқ", дея ҳайдашга тушди. Шунда бу аёлга уйланиб, қаттиқ хато қилганимни англадим.

Уйга қайтиб келганимни кўрган ўғлим нима бўлганини сўраганида, нима деяримни билмай: "Бу аёл асли бухоролик экан, ота-онасини кўриб келгани уйига кетди, ҳадемай келиб қолар", деб ёлғон гапирришга мажбур бўлдим. Орадан ойлар ўтди. Мени излаб келиш у ёқда турсин, у бирор марта қўнгирак ҳам қилмади. Кексайган чоғимда ялиниб боришни ўзимга эп кўрмадим. Яқинда: "Ҳар холда никоҳимдаги аёл, жавобини бериб, қонуний ажрашай", деган ниятда уйига борсам, бегона киши чиқиб, бу уйни яқинда сотиб олганини айтди. Энди излашдан фойда йўқ эди, ажримга ариза бердим...

Ёшим 74 да. Катта келиним, қизларим навбат билан келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Лекин барибир уларнинг йўриғи бошқа экан. Мехрибон, ширинсўз аёл учраса, хабар берсангизлар.

УМРЗОҚ ота.

ФЕЪЛИ ҚИЗИҚ АЁЛ

— Мен Фарғонадан келдим. Амакимнинг аёли етти йил илгари кўкрак беги саратони туфайли оламдан ўтган эди. Унда ҳали жианларим ўсмир болалар эди. Амаким ўғилларини ўқитиб, оёққа тургазди, уйлантирди. Қариндошлар бамаслаҳат келишган ҳолда, амакимнинг бошини иккита қилиб қўйдик. Ҳалиги аёлимнинг қизиқ феъли бор экан. Бир кун кутилмаганда у марҳум келинойимнинг барча кийимларини, ундан қолган кўрпа-тўшакларни ҳовлига олиб чиқиб, ёқиб юборибди. Бунгаям индамадик. Орадан бир ҳафта ўтгач, гараждаги киши кийимларни топиб олиб, уларга ҳам керосин қуйиб ёқиб юборибди. Шундан сўнг амакимнинг ўғиллари чўчи қолишди. Уни невропатолог кўригига олиб борганимизда рухий касаллик аломати аниқланди. Амакимдан олдин ҳам икки марта турмушга чиққан ва бошқа оилада ҳам шу одатини қилган экан. Хуллас, унинг жавобини бериб юборгач, амаким ёлғизланиб қолди. "Бахтли бўлинг" рукнига мурожаат қилган аёллардан тиббий маълумотнома ҳам сўралаётганини эшитиб, амакимнинг ҳужжатларини тўплаб келавердим. Унинг ёши 58 да. Сизларга мурожаат қилганлар орасида 45-50 ёшлардаги Фарғона водийсида яшовчи соғлом аёл бўлса, уни ўз келинойимиз, деб қабул қиламиз.

НЕЪМАТ,
Фарғона вилояти.

ФАРЗАНДЛАР ЖАВОБГАР ЭМАС!

Қизим Сайёра куёвим билан ўн икки йил бирга яшаб, ажрашган. Кейинчалик бошқа турмуш қуришни истамади. Икки нафар қизи бор. Онаси иккимиз қўлимиздан келганча Сайёрага ҳам суянчиқ, ҳам далда бўлдик. Набираларимизни ўқитмай катта қилдик. Ҳозир иккаласи ҳам олий маълумотли, нуфузли ташкилотларда ишлашади. Уйимизга совчилик келишяпти. Аммо негадир невараларимнинг бахти очилмаяпти. Кимдир: "Отасиз ўсган экан", деса, яна бири бошқа сабабларни рўқач қилади. Ахир ота-онанинг тақдирини учун фарзандлар жавобгар эмас-ку. Сайёра қизларининг бахти очилмаётгани учун ўзини айбдор билиб, эзилиб юрибди. Мен ҳам кўзим очиклигида уларнинг бахтини кўрсам хотиржам бўлардим. Катта набирам Сурайё 41, кичиги Гулноза 31 ёшда. Пазанда, хушчиroy қизлар. Турмуш қуриб, фаровон ҳаёт кечириб ниятда юрган йигитлар бўлса, хабар берсин.

АСРОП ака,
Тошкент шахри.

ОНАНИНГ КўНГЛИ...

Тахририятимизга тушкун аҳволда кириб келган бу аёл (илтимосига биноан исмлар ўзгартirilган) ўзини Шахло дея таништирди ва ийманибгина гап бошлади:

— Салим ака билан талабалик давримизда танишганимиз. Университетни тамомлайдиган йилимиз турмуш қурдик. Бир кўриб, танишасан, яшаб юриб синашасан, деган гап бекорга айтилмаган экан. Эрхотин бўлганимиздан кейин Салим аканинг феъли мутлақо бошқача эканини билдим. У менга жуда паст назар билан қараб, совуқ муомала қила бошлади. Устига-устак уларнинг уйи отамникидан олисда эди. Ўзимни ёлғиз ҳис қилсам-да, уйдаги гапни кўчага олиб чиқишни истамадим. Орадан кўп ўтмай, ҳомиладор бўлдим. Кузнинг изғиринли кунларида жуда қийналдим. Эрим уйимизга мутлақо қарамас, ойналари синган хонада яшаймиз, денг. Иситгич ҳам ишламайди. Ой-куним етгунича кўп марта шамоллашни бошимдан ўтказдим. Вақти-соати етиб, ўғлимни дунёга келтирдим. Ҳар қанча аямайин, ҳали чилласи чиқмай туриб, йўталиб, ҳарорати кўтарила бошлади. Дадасига: "Касали зўрайиб кетмасидан шифокорга олиб борайлик", деб роса ялидим. Шунда у: "Бугун ишдан қайганимдан кейин борамиз", деб чиқиб кетди. Кун бўйи эшикка термилдим. Ўша кун эрим келмади. Эртаси кун тонгда бир қўшнимизникига қарз сўраб чикдим. Аксига олиб унинг ҳам пули йўқ экан. Чақалоғимнинг нафас олиши қийинлашиб, лаблари кўкара бошлади. Кечга яқин эрим кириб келди, бу пайтда мен боламнинг музлаб бўлган мурдасини бағримга босиб ўтирганим...

Ота-онам ҳамма гапдан хабардор бўлишгач, мени уйга қайтиб олиб келишди. Биз ажрашдик. Ишга кирганимдан кейин ўтмишимни унутишга ҳаракат қилдим. Ҳозир бу воқеага тўрт йил бўлди. Ростини айтсам, ҳаммаси кечигандай эсимда. Ҳар кун беғубор чақалоғимнинг мўлтираган кўзлари менга қараб тургандай туюлаверади. Бу алфозда яшайверсам, бир дардга учрашим аниқ. Қайта турмушга чиқиб, фарзандли бўлиш ниятидаман.

САРВИНОЗ,
Жиззах вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

ЁЛФИЗ СУЯНЧИФИМСИЗ

Эсимда: ёшлик қилиб, онаминг айтган ишларини чала бажариб, ўйнагани қочиб кетганимда кечкурун қочиб қолсалар, нега ҳадеб мени қочийверарканлар-а, деб ўзимча хафа ҳам бўлиб кўярдим. Баъзида эса имкони борича бирор баҳона тўқиб, онаминг кўзларидан панароқда юришга ҳаракат қилар эдим. Баҳоналар ҳам кўп эди: устозим дарсдан кейин тозалик куни ёки бирор байрамга тайёргарлик кўришга олиб қолганини айтиб, алдардим.

— Она қизим, мени алдаб қаергача борардинг-а, сени ёмон бўлгин, деб уришаманми, айт-чи? Нега бунақа қайсар, тушунмайди-ган қизсан-а?..

Эҳ, онагинам-а... Яна бўғриқиб, эзилиб танбех беришга тушардингиз. Мен эса...

Онажон! Бугун менинг ўзим ҳам она бўлдим. Оила деб аталмиш даргоҳнинг паст-баландлигига тайёрлигини ҳали тушунмас эдим. Ўзга хонадонда қайнона, қайнота-ю, қайнопа ва сингиллар кўнглига йўл топиш нақадар мушкул эканлигини англадим. Боламнинг инжиқликларини кўтарганимда, бола тарбияси ниҳоятда оғир вазифа эканлигини чин юракдан ҳис қилдим.

"Қизим, сен ҳали ёшсан, ҳаёт эса бешафқат..." Ана шу айтган сўзларин-

гиз юрагимда тумордай осиглиқ туррибди.

Фарзандининг қайсар ва инжиқлиги, турли-туман хатолар қилишга мойиллиги ҳеч бир онага малол келмаслигини кеч тушундим. Онаминг



сабру иродасига қойил қоламан.

Ҳаётнинг бу ҳақиқатини мен ҳам дунёдан ўтиб қолди. Мен институтда, кичик синглим эса эндигина 1-синфда ўқир эди. Отамни сўнги манзилга кузатишгаётган маҳал муштипар онажоним: "Воҳ, бегим-а, бу болаларни кимга ишониб ташлаб кетаяпсиз?" деб зор-зор йиғлаганлари ҳамон эсимда. Бу дилгир нолалар мағзини энди тушун-

МЕНИНГ ОНАМ ҲАММАДАН ЯХШИ!

япман. Аёлнинг боши тошдан деганлари балки шудир — менинг онам кўксини тоғдай қериб, ҳар қандай қийинчилик-муаммоларни мардонавор энгиб ўтишга ўзида куч топа олди. Бизларни ҳеч кимдан кам қилмасдан вояга етказдилар. Баъзан худди шундай сабр ва матонат менда ҳам бормикан-а, деб ўзимга-ўзим савол берарман.

Фариштагинам башорат қилиб айтган ҳаётнинг шафқатсиз синовига ўзим ҳам дучор бўлдим: бир йил аввал умр йўлдошим автохалокатга учраб қафо қилди. Бу кўргуликка қандай чидайман, бардошим етармикан, деб эзилдим. Аёл бошим билан, ҳам она, ҳам ота бўлиб, уч фарзандни ўзим тарбиялашга интилдим. Ёлғизлигини ҳолингга сўраб айтилган бир калом ҳам мадад бўлар экан. Бутунлигимда дўст-ёрларим кўп эди, бошимга мусибат тушганидан кейин бармоқларимнинг ярим ҳисобига етгулик дилдошларим қолди. Шуниси-га-да шуқр дейман. Лекин...

Ҳар қандай оғир синовларни бошдан кечирган кунларимда ҳам мунис онажоним уйимнинг тўрида ўтириб, менга қанот бўлди. Сездим — ёнимда менинг ёлғиз суюнчим, елкадошим онам бор экан, мен энди йиқилмайман. Ва баралла ҳайқиргим келарди:

Онаси борлар — нақадар бахтли, Менинг онам ҳаммадан яхши!

Нафиса РАИМКУЛОВА.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ... КЕКСА БОКСЧИ ЯНА РИНГДА

Эртага АҚШнинг Калифорния штатида, ярим оғир вазн тоифасининг экс-чемпиони америкалик Антонио Тарвер бир йиллик танаффусдан сўнг, яна рингга қайтади.

Унинг бу галги рақиби, ўта оғир вазнли америкалик боксчи Жонатан Бэнкс бўлади. Жонатан украиналик жаҳон чемпиони Владимир Кличконинг мураббийи ҳисобланади. Тарвер эса узоқ вақтли танаффусдан хавотир олаётгани йўқ. Сабаби, у барча етишмовчиликларни спарринглар орқали тўлдириб олган.

"Кўп дам олганимдан кўрқаётганим йўқ. Агар "занглаб" қолган бўлсам, бу ҳолат биргина зарба ўтказганимга қадар давом этади. Ақл билан спарринг жанглари ўтказиб, камчиликларни йўқотдим", деди Антонио.

"Ўзим истаган макссадга эришиш учун, Жонатандек кучли қаршилик, басавлат боксчини енгимга тўғри келади. Мен супер оғир вазн тарихидаги энг ёши улуг чемпион бўлман. Рингга кўрсатадиган кароматимни кўргач, Бэнкс ҳам ёқа ушлайди", дея қўшимча қилди Тарвер.

ГЛЕЙЗЕР "МЮ"НИ СОТАДИМИ?

«Манчестер Юнайтед» ҳужайнларидан бири Эдвард Глейзер ўзига тегишли бўлган клуб акцияларининг 3 миллион донасини сотувга қўйди, дея хабар тарқатди Sky Sports.

ОАВ маълумотларига кўра, акциялар савдосидан Глейзер 40 миллион доллар фойда қўриши кутилмоқда. Июль ойида глейзерлар оиласи 8 миллион акцияни сотиши ҳақида хабарлар тарқалганди. Бу эса тахминан 150 миллион долларга тенг.

Глейзерлар оиласи «Манчестер Юнайтед»ни 2005 йилда 1,34 миллиард долларга сотиб олганди.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Муштарий илҳом ОЙИЖОНИМ

*Меҳрибоним, жонажоним,
Ягонамсиз ойижоним.
Дунёлар юз очар сизга,
Эркалайсиз "қизим — жоним".*

*Сиз-ла бутун бахтимиз,
Кувончимиз тахтимиз
Онажонлар бор бўлсин,
Ҳаёт сизга ёр бўлсин.*

ОППОҚ ҚОР

*Оппоқ қорим юмшоқ қор,
Ипақдайин мунчоқ қор.
Кўкда гўё уйи бор,
Тоза ҳаво, беғубор.*

*Қорбобожон, арча безаб,
Сизни қутиб турибмиз.
Чана-ю чангилларда
Учамиз деб юрибмиз.*

*Кўёш ҳам дам олади,
Осмон уйқуза толар.
Қорлар ёғсин ҳар куни,
Қорда изимиз қолар...*

**Сурайё АБДУЛЛАЕВА,
Ҳазорасп тумани
Ж. Мангуберди номидаги
мактабнинг 7-^а синф
ўқувчиси.
Хоразм вилояти.**

Савол-жавоб ПАСПОРТ ЙЎҚОЛГАНДА...

Эҳтиётсизлик сабаб паспортимни йўқотиб қўйдим. Уни қайта тиклаш учун тўланадиган жарима миқдори қанча?

Ҳ. Мамадалиев.

Паспортни йўқотиб қўйган фуқаро зудлик билан доимий рўйхатда турадиган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига хабар бериши лозим. Мазкур муассаса қонун ҳужжатларида кўзда тутилган амалларни бажарганидан кейин унга "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида" ги низомда белгиланган тартибда янги паспорт бериларди.

Паспорт йўқотилганда бу ҳақда газетга эълон бериш ёки топилмалар идорасига мурожаат қилиш талаб этилмайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасида паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропускасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек, паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч баравригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилган.

**Саволга Жомбой тумани ИИБ
паспорт бўлими инспектори, сержант Азиз МУРОДОВ жавоб берди.**

Мохият
ЗЎР ВА ЗАИФ
Зўр душманларидан эмас, дўстларидан қўрқди. У бир зарб билан душманни ағдариб, ҳеч қандай дилсиёҳлик сезмайди, аммо дўстини беихтиёр ранжитиб қўйишдан аёллардай қўрқди.
Заиф эса дўстларидан эмас, душманларидан қўрқди. Шу боис ҳар бир киши унга душман бўлиб кўринади.

Рюноске АКУТАГАВА

«UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Терапевт. ЭКГ.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Гинеколог
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.
- Ультратовуш таъхиси (УЗД) Medison X 6 аппаратида доплерография.
- Физиотерапия.
- Муолажа хокаси.

РЕКЛАМА

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешёғоч даҳаси. 1-уй
Мўлжал: "Истиқдол" санъат саройи яқинида.
E-mail: umid_va_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия № 1255-00

Берилган сана: 26.03.2012 йил

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаххилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —
5602. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46